
Туман ҳокимининг навбатдаги қабули ўтказилди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Халқ қабулхонасининг Тошлоқ туман бўлимида туман ҳокими Абдуқаҳҳор Джурабаевнинг навбатдаги қабули ўтказилди. Унда туман ҳокими ўринбосарлари ҳамда фуқароларнинг муурожаатларига дахлдор давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари иштирок этдилар. Қабул давомида 50 дан ортиқ фуқароларнинг ер ажратиш, уй-жой билан таъминлаш, тадбиркорлик, даволаниш бўйича моддий ёрдам, ишга жойлашиш ва бошқа масалалардаги муурожаатлар эшитилди. Туман ҳокими қабулида фуқароларнинг ҳар бир муурожаатлари тўлиқ эшитилгач масалага ечим топиш бўйича шу ернинг ўзида аниқ чора-тадбир белгиланди. Бугун ўтказилган туман ҳокими қабулида 12 та муурожаат шу ернинг ўзида ҳал этилди, 18 та муурожаат юзасидан ҳуқуқий маслаҳат ва тушунтиришлар берилди, ўрганиш ва муддат талаб этилган муурожаатлар эса назоратга олинди. Фуқароларнинг ишга жойлашиш, моддий ёрдам масалалари бўйича муурожаатларига ҳам ўз вақтида муносабат билдирилиб тегишли мутасадди раҳбарларга кўрсатма ва топшириқлар берилди.

2020-11-17 18:31:16